

ЎзХДПда «Ёш сиёсатчи — 2013»

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

Куни кеча Қибрай туманида бўлиб ўтган танловнинг Тошкент вилоят босқичида у биринчи шарт бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ҳамкор ташкилотлар билан бирга қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳасини тақдим этди.

— Дастлабки шарт бўйича 15 нафар иштирокчиларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва электротар маънафатлари ҳимояси билан боғлиқ лойиҳаларини кўриб чиқдик, — дейди ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари Алишер Қандалатов. — Ёш фаоллар бунга ҳақиқатдан ҳам пухта тайёргарлик кўрган сезилиб турибди. Олмалик, Ангрэн ва Чирчиқ шаҳридан келган ёшлар танлаган мавзуларнинг долзарблиги, муаммо ечимларини аниқ кўрсатгани боис юқори балларга лойиқ кўрилди.

Шухрат САМАДОВ, танлов иштирокчиси (Бўстонлик тумани):

— Иккинчи шарт савол-жавоб эди. Биз асосан қонунчилигимизда бўлаётган янгиликларни, сиёсий жараёнлар ҳамда ЎзХДП дастурий мақсадлари, фаолият йўналишлари ҳақида билимимизни синовдан ўтказдик. Аксарият тенгдошларим беришган саволларга тўлақонли ва малакали жавоб беришди. Меҳнат кодексига киритилган энг сўнгги ўзгариш ва қўшимчаларни ҳам батафсил изоҳлашди. Бу тенгдошларим мамлакат ҳаётидаги янгиликлардан ҳар дам хабардор бўлиб бориши, ислохотлар тақдирига бефарқ эмас-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

лигини билдиради. Умуман, улар билан беллашиш анча мушкул кечди. Ёнг муҳими, мен кўплаб иқтидорли дўстлар ортирганим, улардан кўп нарсаларни ўрганганимдан хурсандим.

Орзия МУТАЛИМОВА, танлов иштирокчиси (Ангрэн шаҳри):

— Фолибликни кўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилдим. Биринчи шартдан сўнг тенгдошларимнинг ҳам тайёргарлик даражаси юқори экани яна бир бор кўринди. Ҳар бир шартда камчиликларимни, қаерда хатога йўл қўйганимни таҳлил этиб бордим. Тақлиф этган лойиҳадаги камчиликларни, нотиклик борасида ҳам ўрганишим зарур бўлган жиҳатлар оз эмаслигини англадим. Бундан тушкунликка тушмайман. Аксинча, сиёсий-ҳуқуқий билимларимни ошириб, келгусида ЎзХДП голяларини чуқур ўрганиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишни мақсад қилдим.

Танлов натижаларига кўра, иккинчи ўринни Чирчиқ шаҳар вакили Улғубек Имомалиев, учинчи ўринни бўкалик Нафиса Йўлдошева эгаллади.

Музаффар Шанаев билими ва нотиклик қобилиятини намойён этиб, биринчи ўринни кўлга киритди. У олдида қўйган дастлабки вазифани ундади. Эндиги мақсади — республика босқичида галиб бўлиш. Музаффар кейинчалик сиёсий майдонга кириб, турли даражадаги депутатлик, етакчилик ўринларини эгаллаб, юртимиз раванқиға муносиб ҳисса қўшишни ният қилган.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ёш сиёсатчи — 2013» кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи якунланиш арасида... Иштирокчилар, ташкилотчилар, ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва бошқалар танловнинг ўтиши ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Биринчи шартга кўра, иштирокчилар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ЎзХДП электротарини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ ўз лойиҳаларини тақдим этди. — деди ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари Бахриддин Мухиддинов. — Ёшлар маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш, қишлоқларда замонавий ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларини ўз лойиҳаларида акс эттиришган.

Тўғри, бу лойиҳаларни ҳар томонлама мукамал, деб бўлмайти. Аммо ёшлар ўзи истикомат қилаётган маҳалла, туман ҳаётидан хабардор бўлиб, ютуқ ва камчиликларни таҳлил этаётган ҳамда маҳаллий ривожлантириш ҳақида ўз нуқтаи назари, тақлифига эга. Демак, маълум маънода уларда депутатлик, сиёсатчилик кўникмаси шаклланимоқда.

— Танловнинг учинчи шартида ёш сиёсатчилар нотиклик санъати бўйича беллашди, — дейди «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши маданият ва маънавий-маърифий ишлар бўлими мудири Дилдор Насуллаева. — Бу жараёнда уларнинг ўз фикр ва қарашларини бошқаларга етказиб бера олиш маҳорати, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимлари, танловга нақадар жиддий тайёргарлик кўрганликлари намойён бўлди. Бу ёшлар тимсолида нафақат Халқ демократик партиясида ёш сиёсатчилар қатлами шаклланиётганини, балки, ватан тақдирига масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр авлод етишиб келаётганини кўриш мумкин.

Танлов катта қизиқиш ва кўтаринки кайфиятда, соғлом рақобат асосида ўтди. Бу ҳақда Жондор туманидан келган иштирокчи

Хушвақт Жабборова шундай дейди:

— ТАНЛОВ ЁШЛАРНИНГ ИЖТимоий ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ БИЛАН БИРГА, УЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ ФАОЛИЯТИГА ХАМ ИЖОБИЙ ТАЪСИР ЎТКАЗИШИ ТАБИИЙ. МАСАЛАН, ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИДА КўПЛАБ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ АДАБИЁТЛАР, ҚОНУН ВА МЕЪЁРИЙ ҲУҶЖАТЛАР БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШДИМ. ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРДАН ЧУҚУРРОҚ ХАБАРДОР БўЛДИМ. ЭНГ АСОСИЙСИ, УЛАРГА ҚИЗИҚИШИМ ЯНАДА ОРТДИ. УМУМАН, ТАНЛОВ КЕЛАЖАҚДА СИЁСАТЧИ, ДЕПУТАТ ВА ПАРТИЯ ЕТАКЧИСИ БўЛИШ ИСТАГИДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР УЧУН ЖУДА ФойДАЛИ ЭКАН.

Шундай қилиб, вилоят босқичи якунига етди. Барча шартларда ўз иқтидорини намойён этган Қоровул тумани вакили Улмекин Шабанова биринчи ўринга сазовор бўлиб, республика босқичига йўлланмани кўлга киритди. Шофиркон туманидан Абдулазиз Файзуллаев иккинчи, Бухоро шаҳридан Гулчехра Исмоилова учинчи ўринга муносиб, деб топилди.

(Ўз мухбиримиз.)

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, ҳомийлар, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандалари ва партия фаоллари иштирок этди.



БОЛАГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Олмазор туманидаги 1-сонли «Мурувват» ногирон болалар интернатида хайрия тадбири ўтказилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз дастурий мақсад ва голяларига ёш авлод тарбияси, унинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ўстириш ва фуқаролик позициясини шакллантириш, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш, ҳаётда ўз ўрнини топиб олиши учун ёрдам бериш борасида муҳим вазифалар қўйилган. Ана шу мақсадда партиянинг барча ташкилотлари томонидан турли тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

Хайрия тадбири байрамона тус олди. Унда иштирок этганлар болаларга қувонч улашишга интилди.

— Ўзбеклар азал-азалдан болажон халқ, — деди Ўзбекистон халқ шoirи, Олий Мажлис Сенати аъзоси Махмуд Тоир. — Юртимиздаги ҳар бир ота-она фарзандим, деб яшайди, унинг баркамол авлод бўлиб етишишини, Ватан раванқиға ҳисса қўшишини хоҳлайди. Партиямиз ҳам бу эзу ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Фарзандларимизнинг маънан етук бўлиб етишишига барчамиз масъулмиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари, депутатлар нафақат байрам куллари, балки доимий равишда тарбияланувчиларимиз ҳолидан хабар олиб туришидан миннатдоримиз.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Учқун Шойимкулов партия фаоллари пойтахтимизнинг барча туманларида ўтказилаётган байрам тадбирларида ҳам фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда партия фаоллари, депутат ва ҳомийлар томонидан интернет тарбияланувчиларига совгалар топширилди.

Акмал ТўРСУНОВЕВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими.

Ижтимоий ҳимоя

«МАЛИКРАБОТ»ДА ЯНГИ КОРХОНА

Юган замонавий лойиҳа асосидаги уй-жойларда яшовчиларга қулайликлар яратиш мақсадида маийши ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, дорихона, савдо-сўтиқ расталари ҳамда озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик корхоналар ишга туширилмоқда.

Кармана туманининг «Маликработ» кўрғони «Камолот» массивида бунёд этилган нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ҳам аҳолининг узогини яқин қилиш билан бирга қишлоқдаги ўнлаб ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлади. Бир қунда 2 тоннагача урни қайта ишлаш қувватига эга корхонада айни пайтда 8 турдаги нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқарилаётган.

Хозирда қишлоқ аҳолиси қулайлик яратиш мақсадида корхонамиз негизда ушбу махсулотларни сотишга мўлжалланган савдо растаси ҳамда хўжалик моллари дўкони очилди, — дейди «Тараққиёт Кармана» МЧЖ раиси Шухрат Наимжонов. — Келажакда фаолиятимизни кенгайтириб, яна 10га яқин иш ўрни ташкил қилишни режалаштирганмиз.

Илҳом САТТОВОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП Сайловолди дастури ижроси

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ

аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг муҳим омилу

ЎзХДП Сайловолди дастурида коммунал соҳада рақобат муҳитини яратиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, ўтган йили халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари бу йўналишда назорат-таҳлил ишларини олиб борди. Шу асосда 8 та ҳудудда сессиялар муҳокамасига бу борада турли масалалар олиб чиқилди.

Сув қувурлари ва канализация тармоқларини реконструкция қилиш, электр энергияси таъминотини янада яхшилаш, қишлоқларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ҳукумат қарорлари бажарилишининг аҳоли, кўрсатилаётган хизматлар ва кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш ишларининг бориши, ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари ажратишга қаратилган қарорлар ижроси кенг муҳокама этилиб, хато ва камчиликларни бартараф этишга доир тақлифлар ишлаб чиқилди.

Авалло таъкидлаш керакки, Хоразм вилоятида аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини яхшилаш борасида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда соҳада тўпланиб қолган, аҳолининг эътирозларига сабаб бўлаётган муаммолар мутасадди ташкилотлар ва идоралар иштирокида босқичма-босқич ҳал этиляпти. Хусусан, аҳолининг тоза ичимлик суви бўлган талабини қондириш мақсадида вилоятнинг Янгиарик, Қўшқўпир, Янгибозор туманларида янги қувурлар тортилиб, аҳоли яшаш пунктлари тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ёнг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга хизмат қилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Камар РАҲИМОВА, халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

«Хоразм иссиқлик манбаи» очик акциядорлик жамияти тасарруфида 47 та корхона, 58,9 км иссиқлик тармоқлари мавжуд. У шаҳардаги 600 дан ортик турар-жой, турли ташкилот ва муассасаларни иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув билан таъминлайди.

Аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини имкон қадар яхшилаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш мақсадида шаҳар ҳудудидаги 9 та қозонхонада фойдаланиш коэффицентни паст, эскирган қозонлар ўрнига янги, замонавий ва тежамкор қозонлар ўрнатилди. Марказлашмаган тизимга ўтиш дастурига асосан шаҳарнинг 4-ва 6-даҳаларида кичик қуватли тежамкор қозонлар қурилди.

Шу ўринда шаҳар аҳолисини иссиқ сув ва марказлаштирилган иссиқлик энергияси билан таъминлаш ишларида айрим камчиликлар ҳам борлигини таъкидлаш жоиз.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишда «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддаси, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддаси меъёрларини мунтазам равишда бажармаслик ҳоллари руй берган.

Истеъмолчилар томонидан «Хоразм иссиқлик манбаи» очик акциядорлик жамиятига ёз ойларида кўп қаватли уйларда иссиқ сув бўлмаслиги, қиш мавсумида эса иссиқлик энергияси узилишининг сабабларини тушунтириб бериш тўғрисида берилган саволлар жавобсиз қолдирилган. Шунингдек, кўрсатилмаган хизматлар учун истеъмолчиларга ҳақ ҳисоблаш, асоссиз жарималар қўллаш ҳолатлари

ҳам кузатилган.

Партиямиз депутатлик гуруҳи мажмуида йўналишда учраётган муаммолар ва уларнинг сабабларини атрофлича ўрганиб, бу борадаги тақлифларни ўтган йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган Урганч шаҳар Кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқди. Сессияда шаҳар аҳолисини иссиқ сув ва марказлаштирилган иссиқлик энергияси билан таъминлашни яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил этилиб, муаммолар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Депутатлар билдирган тақлиф ва тавсиялар асосида сессия қарор қабул қилди.

Унга кўра, кўп қаватли турар жойлар ертўлаларини тозалаш, қувурларни янгиллаш ва бошқа қатор ишлар амалга оширилмоқда. Биз сессия қарори ижросини ўз назоратимизга олганмиз.

Раҳима МАШАРИПОВА, халқ депутатлари Янгиарик туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:

— Жорий йилнинг биринчи чорагида партиямиз депутатлик гуруҳи туманда аҳолини электр энергияси билан узлуқсиз таъминлаш бўйича қонун ҳужжатларига амал қилиниши бўйича назорат-таҳлил олиб борди.

Ишчи гуруҳи тумандаги Каттабоб, Қармиш, Остона, Чирчиқ ва Қўриқтом қишлоқларида электр энергияси билан таъминлашни ҳолатини ўрганди.

Унинг натижалари дастлаб депутатлик гуруҳимиз йиғилишида атрофлича кўриб чиқилганда сўнг туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш, ёшлар сиёсати, соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилишига, кейинчалик сессияга олиб чиқилди.

Сессияда таъкидландики, туман электр тармоқлари корхонаси томонидан «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 2009 йилда қабул қилинган «Электр ва иссиқлик энергиясини фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича амалий ишлар олиб борилаяпти.

Бироқ аҳоли, яъни истеъмолчилар билан тузилган шартнома риоя қилиш бўйича корхона фаолиятида муайян камчиликлар мавжуд. Масалан, хизмат кўрсатиш сифати ҳамма жойда ҳам талаб даражасида эмас. Туман ҳудудида электр энергиясини тежаш бўйича жорий қилинган чеклашлар жадвали истеъмолчиларга тўлиқ етказилмаган.

СЕССИЯДА ЮҚОРИДАГИ КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. ЎТГАН ВАҚТ МОБАЙНИДА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИМИЗ МАЪЖУР ҚАРОР ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИБ БОРДИ. НАТИЖАДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ТАЛАБ-ТАҚДИФЛАРИГА АСОСАН КОРХОНАНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИ, АҲОЛИГА ХИЗМАТ КўРСАТИШ СИФАТИ БИР МУНЧА ЯХШИЛАНДИ.

Сессия қарори асосида ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари туман электр тармоқлари корхонасининг энергияни етказиб бериш бўйича шартномаларга амал қилиши юзасидан қатъий депутатлик назоратини олиб борапти.

Камар РАҲИМОВА:

— Коммунал хизматлар кўрсатиш сифати билан боғлиқ муаммолар ҳолатлар ҳамма жойда ҳам учрайди. Уларнинг олдини олиш ва ҳал этиш учун, аввало, аҳолининг соҳага оид

ҳуқуқий муносабатлар бўйича саводхонлиги ҳамда маданиятини ошириш керак, деб ўйлайман. Коммунал хизмат кўрсатишда истеъмолчилар ҳуқуқлари таъминланмаслиги кўпчилик шунга боғлиқ бўлмоқда. Сабаби, истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқидан бехабар фуқаро келмаётган пайтда қайси ташкилотга мурожаат қилишни билмайди, қонуний манфаатини ҳимоя қила олмайди. Шунинг учун фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш масаласига биз депутатлар ўз фаолиятимизда алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Раҳима МАШАРИПОВА:

— Айрим ҳолларда соҳа ҳодимларининг эътиборсизлиги, тахрибсизлиги кўплаб муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, аҳоли билан тузилган шартнома шартларининг вақтида бажарилмаслиги, кўп қаватли уйларда иссиқлик таъминоти узилиб қолиши соҳа ҳодимларининг ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашиши оқибатида ҳам келиб чиқмоқда. Демак, электр тармоқлари корхоналарининг ишчи-ҳодимлари, мансабдор шахслари малакасини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича масъулиятини кучайтириш зарур.

Дарҳақиқат, коммунал хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан таъсирчан жамоатчилик ва депутатлик назоратини изчил амалга ошириш, соҳадаги муаммоларни таҳлил қилиш, ёнг муҳими, ҳал этишда партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллари, мансабдор шахслари депутатлик гуруҳлари иштирокчини кучайтириш долзарб вазифалардан бирidir. Аҳоли, айниқса, қишлоқларда истиқомат қилаётган кишиларнинг турмуш шароитларини яхшилашда бу муҳим аҳамият касб этади.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАР БОЛАГА МЕҲР ВА ҒАМҲЎРЛИК!



ва Ички ишлар вазирлик-лари тизимида ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган хизматчиларнинг фарзандлари, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг болалари тақлиф этилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўтказилаётган бундай тадбирлар юртимизнинг барча истироҳат ва маданият боғларида, кўплаб муассасаларда ташкил этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида «Ер куррасида тинчлик» мавзусида расмлар кўрик-танловлари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг умумтаълим мактаб ўқувчилари ҳамда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг сараланган расмлари кўргазмага кўйилди.

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари «Биз — баркамол авлодимиз» шиори остида катта байрам тадбирлари ўтказмоқда.

«Тошкент ленд» болалар истироҳат боғида «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остида ташкил этилган байрам тадбирига Тошкент шаҳри ва вилояти Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, Мудофаа

(Ўз муҳбиримиз.)



Отбек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган суратлар.

Куч — билим ва тафаккурда!

Ушбу баҳоларга ўқиш билан бирга иқтисод фанининг долзарб йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Унинг дастлабки илмий ишлари 2010 йилда Навоий номидаги Давлат стипендияси ҳамда Япониянинг «Сумитомо-Корпорейшн» компанияси таъсис этган стипендияга муносиб кўрилган.



ФАҲР-ИФТИХОР

бизни янада юксак парвозларга чорлайди, — дейди 2012/2013 ўқув йили Президент стипендианти, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2-курс талабаси Зарнигор БОБОЖОНОВА

Шунингдек, у фан олимпиадалари, кўрик-танловлар, илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этиб, сертификатлар билан тақдирланган. Зарнигор рус, инглиз, форс ва немис тилларини билади. Шу кунгача у 1 та модель-лойиха ва 4 та дастур учун патент олган, 2 та илмий, 10 та илмий-оммабоп рисола, 50 дан ортиқ мақолалари chop этилган. Айни вақтда «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти синергетик ривожлантириш йўналишлари» мавзусида илмий изланишларини давом эттирмоқда.

— Дунёдаги олий ўқув юрталари ва уларнинг талабалари ҳаёти, ўқиш-изланишларини мунтазам кузатиб бораман, — дейди Зарнигор. — Олган маълумотларим бўйича шундай хулосага келганман: Ўзбекистонда таълим олиш аллақачон жаҳон стандартларига мос келадиган даражага кўтарилган. Ўзбекистон ёшлари илм-фан борасида ҳам ҳеч кимдан кам эмас. Бу фахр-ифтихор бизни янада юксак парвозларга чорлайди.

Абдуалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Чет тилини ўрганиш — давр талаби

ТИЛ БИЛГАН ЭЛ ТАНИЙДИ

Мамлакатимизда ёшларнинг чет тилларни ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан кейин бу борада амалга оширилган ишлар юксалиш поғонасига кўтарилди.

Юртимизда чет тилини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар, академик лицейлар фаолият кўрсатмоқда. Улардан бири — Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод хорижий тиллар академик лицейидир.

— Бизнинг таълим даргоҳимизда 687 нафар ўқувчи тахсил олади, — дейди лицей директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Адолат Нажимхўжаева. — Ўқувчиларимизга 60 нафардан зиёд ўқитувчи дарс бераётган бўлса, уларнинг тўрт нафари фан номзоди. Бизда асосан шарқ — араб, турк, хитой, корейс, япон, ҳинд ва форс тиллари ўқитилади. Президентимизнинг қарорига асосан инглиз тили соатлари кўпайтирилди ва олдингидан чуқурроқ ўқитила бошланди.

Бу йил битирувчилар сони 197 нафар. Сўвнома ўтказганимизда уларнинг аксарияти Шарқшунослик институтида ўқишни истаганини маълум қилди. Қолганлари Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд давлат чет тиллар ин-

ститутига ҳужжат топширмоқчи. Ўқувчиларимизнинг айримлари хорижий давлатлардаги нуфузли олий ўқув юрталарида тахсил олишни режалаштираяпти. Кўнчиликка маълум, пойтахтимиздаги Тошкент халқаро Вестминстер университети ҳамда Сингапур менежментни ривожлантириш институтига кириш синовлари нисбатан вақтларок ўтказилди. Бу даргоҳларга имтиҳон топширувчилар орасида бизнинг лицейимиз би-



Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

тирувчилари ҳам бор. Ўтган йилги битирувчиларнинг 15 нафари айни пайтда Хитой давлатида тахсил олишяпти. Бошқа хорижий давлатларда эса 12 нафар ўқувчимиз ўқияпти.

Олий ўқув юртига кириувчилар учун «Абитуриент» тайёрлов курслари мавжуд.

Академик лицейнинг кимё, биология ва физика хоналари Корея Республикаси кредити ҳисобига жиҳозланган. Бундан ташқари, иккита компьютер, битта лингвон хоналари мавжуд. 2010 йилда лицейда янги спорт мажмуаси қуриб битказилди. Бу ерда барча зарур спорт анжумлари бор. Шу йил яна янги компьютерлар олинди. Лицей ўқувчиси Зумрад Тазидинова Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби бўлган. 2012 йилда

Азиз Холматов тарих фанидан республика олимпиадасида иккинчи ўринни кўлга киритиб, грант асосида Тошкент давлат юридик институтига ўқишга қабул қилинди. Бу йил уч нафар ўқувчи республика олимпиадасининг сўнгги — тўртинчи босқичига йўлланма олган.

— Бизда махсус гид фани ўқитилиши йўлга қўйилган, — дейди ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси муdiri Гулназа Юсуфжонова. — Мен шу фан ҳамда маънавият асослари ва эстетика фанларидан дарс бераман. Юртимизда туризм соҳаси янада ривожланиб, гидларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Гид фани шарқ тилларидан бири ва инглиз тилида ўқитилади. Унда юртимиздаги мавжуд барча тарихий обидалар ҳақида чуқур маълумотлар берилди. Биз ўқувчиларини қизиқтиришни инobatга олиб, қадимий шарҳларимизга саёҳатлар уюштириб тураемиз.

— Бу йил лицейни тугатаман, — дейди Барчиной Ҳамидуллаева. — Мен хитой тилини ўргандим. Бу тилнинг мураккаб жиҳатлари кўп эканини, ўрганиш анча мураккаблигини кўпчилик айтганди. Бироқ тажрибали ўқитувчилардан сабоқ олганим учун ортиқча қийинчиликларга дуч келганим йўқ. Олий ўқув юртига ўқишга кирсам инглиз тилини ҳам чуқурроқ ўрганмоқчиман.

Темур АбЗАМ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ»

ҳамкорлик механизмини янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Миллий матбуот марказида шу мавзуда анжуман ўтказди. Унда Халқ таълими вазирлиги, «Оила» илмий-амалий маркази, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг асосий вазифалари қаторига кам таъминланган оила фарзандларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг таълим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳам кирди. Ўтган йилларда Фонд то-

қайта таъмирланиб, жиҳозланди ҳамда 132 та янги майдончалар барпо этилди.

— Юртимизда ўн мингга яқин маҳалладаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига алоҳида эътибор берилди, — дейди Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви бош мутахассиси Мактуба Орипова. — Қолаверса, ёшларимизни ҳар томонлама — ҳам жисмонан, ҳам маънавий етук қилиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли

ўтказиш мақсадида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилган бўлиб, шу кунгача 170 мингдан ортиқ тадбир, учрашув ва семинар-тренинглари ташкил этилди.

Тадбирда мутахассисларнинг ушбу ҳамкорлик механизмини янада самарали бўлишини таъминлаш бўйича билдирган фикр-мулоҳаза ва тақлифлари асосида тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Альбина ЖУМАНОВА

Янги иш жойи ва сертификатлар

Денов туманида ташкил этилган Меҳнат ярмаркасида 50 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган 171 нафар коллеж битирувчиларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи 697 миллион 500 минг сўмлик сертификатлар топширилди.

Туман ҳокимлиги, прокуратура ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида Денов Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежидан ўтказилган мазкур тадбирда 86 та корхона ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

— Кўплаб ёшлар қаторида мен ҳам имтиёзли сертификатни кўлга киритганимдан хурсандман, — дейди Денов Енгил санаот касб-ҳунар коллежи битирувчиси Умида Турсунова. — Ушбу 7 миллион сўмлик маблага тикувчиликни йўлга қўймоқчиман. Шунда тенгдошларимдан тўрт нафари иш билан таъминланади. Бу каби хайрли тадбирлар биз ёшларнинг ҳаётда ўз ўрни-мизни топиш ва юрт тараққиётига муносиб ҳиссамизни қўшишда ёрдам беради.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

МАЖМУА ИШГА ТУШДИ

Яқинда Пастдаргом туманининг Илм ҳамда Бешанман қишлоқларида барча қўлалиқларга эга бўлган пилла етиштириш мажмуалари бунёд этилди.

— Замонавий типдаги мажмуаларнинг ҳар бирига 50 кутидан ипак курти тарқатилган бўлиб, ундан 50 тоннадан зиёд сифатли пилла етиштирилади, — дейди Илм кишлоғидаги «Самарқанд» пилла етиштириш мажмуаси ходими Абуабакр Ақромов. — Бу ерда сартарошхона, ҳаммом, гўшт сотиш шохбчаси, тикувчилик цехи, гўзаллик салони каби хизмат кўрсатиш тармоқлари барпо этилган. Натижанда 105 нафар кишлоқ аҳолиси бу ерда муқим иш билан таъминланди.

Абдували ХУДОБЕРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ОБ-ҲАВО	1-2 — 06.2013
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+17 / +22	+28 / +33
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+15 / +20	+30 / +35
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+15 / +20	+32 / +37
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+17 / +22	+35 / +40
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+15 / +20	+32 / +37
Тошкент шаҳри	
+17 / +19	+35 / +37
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+11 / +11
Париж	+9 / +11
Москва	+11 / +13
Мадрид	+8 / +10
Пекин	+15 / +19
Канберра	+5 / +6
Рим	+12 / +11
Афина	+17 / +16
Токио	+20 / +20
Стокгольм	+10 / +9
Кейптаун	+11 / +12
Қоҳира	+20 / +21
Гавана	+24 / +24
Вашингтон	+22 / +23

Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз технология касб-ҳунар коллежи томонидан 2010 йилда Эшназаров Маъруф Нурмамет ўғлига берилган К№1606965 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

MUASSIS: Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

Tahrir hay'ati:

Abdulla ORIPOV	Murodilla ABDULLAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR: Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ko'chibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646 Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 21.40 Topshirilgan vaqti — 22.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7633

1 2 3 4 5